

Обод турмуш йили:

ЭЗГУ МАҚСАД ВА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Давлат дастурида тўртта қонун — Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги, ёшларни ишга жойлаштириш шарт-шароитларини янада такомиллаштиришга қаратилган “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, “Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Аҳоли фаровонлиги ва реал даромадлари муттасил ўсишни таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик янада ривожлантириш, аҳолига, аввало, ижтимоий эҳтиёжманд қатламлар ва кам таъминланган оилаларга давлат томонидан манзилли ҳимоя ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг муҳим йўналишларидандир. 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсия, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ўртача камида 23 фоизга ошириш кўзда тутилган. Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилди.

Дастурда янги ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини қуриш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш, касаначиликни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган. 2013 йилда, биринчи

навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳамда касаначиликни барқарор ривожлантириш ҳисобидан 970 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиш кўзда тутилмоқда.

Давлат дастурига мувофиқ, тижорат банклари томонидан оилавий, хусусий тадбиркорлик субъектлари, хунармандчиликни ривожлантириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиши учун кредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш режалаштирилган. Жорий йилда бундай кредитларнинг умумий ҳажми 269,6 миллиард сўмини ташкил қилади.

Дастурда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудда sanoatни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган. Уларда sanoat кооперациясини мустаҳкамлаш, ҳудудий корхоналарни Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб этиш, бўш ётган ишлаб чиқариш майдонлари негизинда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Қишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига жалб этиш, узумчилик, чорвачилик ва ипакчиликни ривожлантириш ҳам аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини оширишга хизмат қилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 288 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Қайта ишлаш ҳажмлари, жумладан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қишлоқ хўжалиги учун замонавий минтехнологияларни жорий этиш ҳисобидан кўпайтирилди.

“Электрон ҳуқумат” тизимини жадал шакллантириш ҳам муҳим ва долзарб вазифадир. Интернет тармоғида “бир дарча” режимида фаолият юри-тадиган интерфаол давлат хизматлари ягона портални яратиш мўлжалланган бўлиб, бу иқтисодий фаолият субъектлари ва бошқарув органларининг ўзаро муносабатларини сезиларли даражада соддалаштириш имконини беради.

2013 йилда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар-

ни чуқурлаштиришга оид ишлар давом эттирилади. Шу мақсадда аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, хасталикларнинг олдини олишни кенгайтириш ҳамда даволашнинг илғор технология ва усулларини жорий этиш, пировард натижада фуқаролар, айниқса, оналар ва болалар ва саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Чекка жойлардаги аҳоли пунктларида 32 кишлоқ врачлик пунктлари барпо этиш, 54 тиббиёт бирлашмасини қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, 11 вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Уларнинг барчаси, шунингдек, 13 вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади.

Инсон капиталига инвестицияларни йўналтириш — илчил иқтисодий ривожланиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим шартидир. Шу мақсадда жорий йил Давлат дастурида жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодини тарбиялаш, замонавий хунарларни пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш, таълим даражасини янада такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг ҳар томонлама самарадорлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган вазибалар ижросини таъминлаш доирасида 217 умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 164 умумтаълим мактабини, 159 академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларини капитал таъмирлаш, 55 мусика ва санъат мактаби ҳамда 116 болалар спорт объектини, олий таълим муассасалари тизимидаги 45 иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Уларнинг барчаси

зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланади. Шу билан бирга, болалар соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳам кўзда тутилган.

Мамлакатимизда ёш авлодини баркамол этиб тарбиялашда ушбу жараённинг маънавий-ахлоқий жиҳатига эътибор қаратиш, уларда миллий гуруҳ, ўзликини англаш туйғуларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ишлар доирасида 2013 йилда ёшларнинг касбий кўникма ва шахсий фазилатларини ривожлантириш учун таълим оромгоҳлари фаолият кўрсатади, болалар ҳамда ёшларнинг фойдали ва маданий дам олишини ташкил этиш янада юқори даражага кўтарилади.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, янги тураржойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, 2013 йилда 553 кишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта яқка тартибдаги уй-жой қурилади, мамлакатимиз аҳолисини, биринчи навбатда, кишлоқ аҳолисини сув, газ ва канализация хизматлари, электр энергияси билан таъминлашнинг яхшилаш бўйича лойиҳалар амалга оширилади, минг-лаб километр янги юқори вольтли электр узатиш линиялари, сув чиқариш ҳамда газ тақсимлаш тармоқлари объектлари барпо этилади ва мавжудлари реконструкция қилинади.

Дастурда замонавий йўллар, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилган. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини капитал таъмирлаш, шунингдек, кишлоқ жойларда узунлиги 239,1 километр бўлган янги, туташган автомобиль йўлларини барпо этиш, шаҳарларда янги кўчалар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган. Маҳалла халқимиз ҳаётида

муҳим ўрин тутати. Шу муносабат билан 2013 йилги Давлат дастурида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга оид масалаларни ҳал этишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш ҳамда кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллалар ва тураржой массивларининг ташқи қиёфасини яхшилаш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштиришга оид муҳим комплекс чора-тадбирларни бажариш режалаштирилган.

Маҳаллаларнинг қиёфасини янада яхшилаш, уларнинг олд қисми ва томларини, кўчалар ва йўлакларни таъмирлаш, болалар спорт майдончаларини қуриш, энергия тежовчи технологияларни қўллаш орқали ташқи ёритиш тармоқларини ривожлантириш, санитария шароитларини яхшилаш ҳам дастурда белгиланган вазифалар сирасига киради. Маҳаллалар ҳудудларида 15 миллион туп манзарали ва 29,5 миллион туп мевали дарахт ниҳоллари, шунингдек, 10 миллион туп гул ҳамда буталар экиш кўзда тутилган. 2013 йилда маҳаллаларни ободонлаштириш, кишлоқда экологик турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш орқали қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш бўйича “Обод уйим” лойиҳаси амалга оширилади.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни аниқ манзилли асосда ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар истиқболда ҳам изчиллик билан амалга оширилади. Маҳаллаларда йил давомида халқимизга хос тинчлик-осойишталикка интилиш, меҳр-мурувват, ўз халқининг тарихи ҳамда маданиятини ҳурмат қилиш каби қадриятларни тарғиб этадиган маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ташкил этилади.

Жорий йилда ҳам мамлакатимизда оилани янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини, ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтисодийнинг турли тармоқларида аёллар

бандлигини таъминлаш ва фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларга ўзини намёнэтиши ҳамда уй-рўзгор юмушларини энгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича бажарилаётган ишлар янада ривожлантирилади.

Хусусан, Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида “Ёш оилалар учун тураржой” дастурини, имтиёзли кредитлар тақдим этиш орқали, айниқса, кишлоқ жойларда хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиялаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Шу мақсадда “Оила фаровонлигини янада ошириш мақсадида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш” лойиҳаси рўёбга чиқарилади.

Дастурда қайд этилган тадбирларни амалга ошириш учун жами 6655 миллиард сўм ёки 919,2 миллион АҚШ долларига тенг маблағ йўналтирилади. Шунинг 3312,4 миллиард сўмини давлат бюджети ва давлатдан ташқари жамғармалар, 1917,9 миллиард сўмини ижорачилар ва ҳомийлар, 1424,7 миллиард сўмини тижорат банкларининг кредитлари ташкил қилади. Шунингдек, 664,6 миллион доллар ҳажмида халқаро ташкилотлар, молия институтларининг маблағлари ва грантлар жалб этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, барча туман ва шаҳарларда “Обод турмуш йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича комиссиялар ташкил этилади. Уларнинг вазифалари Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, тегишли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда бажаришдан иборатдир.

Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси зиммасига давлат ва ҳўжалик бошқарувининг республика органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг унда белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажаришига доир ишларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган.

Мухтасар айтганда, “Обод турмуш йили” Давлат дастури мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча муҳим йўналишларини қамраб олган. Унинг самарали амалга оширилиши эса халқимизнинг ҳаётини янада яхшилаш, фаровон, тинч ва осуда турмуш кечириши, мамлакатимиз раванглигини таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

(Ў.А.).

Кисқа сатрларда

• Термиз шаҳрида “Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти” мавзуга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда миллий кадриятларини янада асраб-авайлаш, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида сўз борди. Тадбир якунида бир гуруҳ хунармандларга тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

• Интернет тармоғида Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчаси мулк кадастри хизматининг махсус сайти фаолият бошлади. “Бир дарча” деб номланувчи мазкур сайт (www.odnookno.uz) орқали пойтахт аҳолиси кўчаси мулк кадастри хизматига доир барча маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

• Самарқанд шаҳрида бўш турган ишлаб чиқариш иншоотлари “Восток Продукт” масъулияти чекланган жамиятига берилди. Тез орада банк томонидан ажратилган 3 миллион 800 минг АҚШ долларлик кредит ҳамда таъсисчиларнинг 2 миллион 780 минг АҚШ долларлик хорижий сармояси ҳисобига йилига 3 минг тонна қалава йл тайёрлашга мўлжалланган корхона ишлаш бошлади. Ҳозир бу ерда 75 киши меҳнат қиляпти.

• Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Солиқ академиясида соҳа ходимлари учун ўқув-семинарлари ўтказилди. Жойлардаги давлат солиқ бошқармалари, давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва маъсул ходимлари малакасини ошириш, иқтисодий ва эркинлаштириш, 2013 йилги бюджет ва солиқ сибёстини амалга оширишдаги устувор вазифаларни бажаришда уларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирлар доирасида тингловчилар пойтахт имизинг диққатга сазовор жойлари билан ҳам танишдилар.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Ташаббус, билим, тажриба

фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ўқув-семинар машғулотлари бу борадаги ишларимизни кучайтириш ва шу орқали маҳаллаларнинг ислохотлар жараёнидаги иштироки ва ролини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятга бўлди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида, интерактив мулоқот тарзида ўтказилган машғулотларда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, давлатимиз раҳбарининг “Юксак маънавият — энгилмас куч” ва “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” каби китоблари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти билан танишдик. Айни чоғда хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ҳамда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи-

ларига услубий кўмак беришнинг илғор усуллари ўрганилди. Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишда Фонднинг кўйи тузилмалари олдида турган долзарб вазифалар ҳам таҳлил этилди.

Саодат ИНОТОВА, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти Зафаробод тумани бўлини масъул бош мутахассиси: — Маҳаллаларда фуқароларнинг маърифий-маданий, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, ёш авлодини миллий ва маънавий қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни фойдали меҳнатга жалб этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш доимо долзарб вазифалардан бўлиб келган. Уларни муваффақиятли ҳал этишда ҳудудий тузилмаларда ишлаётган бош мутахассисларнинг алоҳида ўрни бор. Шундан келиб чиқиб, машғулотларда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга

ошириш, бу борада фуқаролар йиғинларига услубий кўмаклашиш масалалари амалиёт билан уйғун ҳолда таҳлил қилинди. Айни чоғда маҳаллалардаги “Ота-оналар университетлари” фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги маълумотларга ҳам эга бўлдик. Бу борада яхши тажриба тўплаган Фонднинг ҳудудий бўлими ва бўлинималари фаолияти ўрганилгани, айниқса, фойдали бўлди.

Розик ҚУРБОНОВ, Фонднинг Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани бўлини масъул раиси: — Бугунги кунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идораларида давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш, “оммавий маданият” салбий оқибатларининг олдини олишда Фонд кўйи тузилмалари томонидан фуқаролар йиғинларига услубий кўмаклашиш, тўй-ҳашам ва бошқа маросимларни ихчам, тежамкорлик билан ўтказиш ҳамда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда давлат органлари, хусусан, профилатика инспекторлари билан ҳамкорликни кучайти-

риш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис ўқув машғулотларида бу борада катта тажриба тўплаган бўлим ва бўлинималар фаолияти таҳлил қилиб чиқилди.

Бу ерда олган билимларимизни тумандаги маҳаллалар фаолиятини кучайтиришга йўналтирамыз.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ, Фонднинг Бухоро вилояти Гиждувон тумани бўлини масъул котиби: — Фонднинг ҳудудий бўлини масъул котиби вазифаси масъулиятли, десам адашмаган бўламан. Боиси, масъул котиб ҳужжатлар, аризалар ва мурожаатлар билан кўп ишлайди. Бу эса “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, Фонднинг янги тахрирдаги устави ҳамда унинг ҳудудий бўлими ва бўлинималари тўғрисидаги низом талабларини яхши билишни тақозо қилади. Ўқув машғулотларида ушбу ҳужжатлар ҳамда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишдик. Икки кунлик семинар давомида асосий фаолият йўналишимиздан келиб чиқиб, ишимизни такомиллаштириш бўйича муҳим тавсиялар берилди. Буни амалиётда кенг қўллаб, иш самарадорлигини ошириб бораверамиз.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ ёзиб олди.

Инвестиция: Истиқболли лойиҳалар ва самара

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бундан ташқари, корхоналари Маҳаллийлаштириш дастурига киритилиб, солиқ ва бошқа тўловлардан маълум мuddатга озод этилгани ишимизга янада барака киритмоқда. — Ўтган йили Сирдарё sanoat касб-хунар коллежини битириб, шу ерга ишга келганам, — дейди ёш мутахассис Алишер Рўзиев. — Ўқиш ва иш жараёнида ўрганганларим мураккаб машиналарни бошқаришда қўл келаяпти. Умуман, ишимдан, бу ердаги шарт-шароитлардан жудаям мамнунман.

— Келажақда ишчиларимиз сонини 120 нафарга етказамиз, — дея сўзини давом эттиради Бурхон Ҳасанов. — Бунда, табиийки, ана шундай билимли ёшлар меҳнатига таянамиз. Ҳозирда 30 нафар коллеж битирувчисини ўзимиз ўқитиб, малакасини ошираямиз. Корхонанинг арзон ва сифатли маҳсулотлари Сирдарё ҳамда Тошкент вилоятларидаги йирик ишлаб чиқариш субъектларига, шунингдек, “Ўздон маҳсулот” акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарга пешма-пеш етказиб берилмоқда.



Туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий масалалари бўйича ўринбосари Шуқуриллохон Комиловнинг айтишича, ўтган йили ҳудудда 6 миллиард 613 миллион сўмлик ҳамда 12,8 миллион АҚШ долларлик 31 лойиҳа амалга оширилиши натижасида 220,8 миллиард сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Жорий йилда эса умумий қиймати 77 милли-

ард 800 миллион сўмлик 82 та лойиҳа рўёбга чиқарилади, 3254 та иш ўрни яратилади. Бу келгусида нафақат вилоят иқтисодиёти янада мустаҳкамланишидан, балки бозорларимиз турфа маҳсулотлар билан бойиб, республикамизнинг экспорт салоҳияти бундан-да юксалишидан далолатдир. **Шомурад ХОЛМУРОДОВ, Ҳасан ПАЙДОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.**

ЖАҲОН 24 соат ичида

Янги автомобилларга талаб пасайган

Европа автомобиль бозоридаги инқироз ҳолати жорий йилда ҳам давом этадиган кўринади.



дир. Бундай паст кўрсаткич 1990 йилдан буён илк бор қайд этилди. Ушбу салбий ҳолатдан дунёга машҳур "Ford", "Peugeot", "Toyota" каби йирик автоконцернлар жиддий зарар кўрмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, муаммонинг асосий сабабларидан бири Европа Иттифоқи мамлакатларида аҳолининг даромадлари қайтадан ўсмагани, уларда харид қобилияти суясайгани билан боғлиқ.

Гап шундаки, январь ойида еврохудудга кирувчи давлатларда янги ишлаб чиқарилган машиналар савдоси 8,5 фоизга қисқарган. Бу йилнинг биринчи ойида "кўҳна қитъа" вакиллари 918 минг дона автоулов харид қилишган, дегани-

Кўчмас мулк бозоридаги чалқашликлар

Испаниядаги йирик девелопер (кўчмас мулк лойиҳаларини амалга оширувчи) гурuhlардан бири — "Reyal Urbis" банкротликка учраганини маълум қилди.

Бунга компаниянинг кредиторлар билан қарзларни қайтаришга келиша олмаганиги асосий сабаб бўлди. Таъкидлаш керакики, Испания кўчмас мулк бозорида 2007 йилда амалга оширилган молиявий ўғирликлар туфайли бир нечта риэлторлик фирмалари фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган. Орадан олти йил вақт ўтиб, 3,6 млрд. евро қарздорлиги билан "Reyal Urbis" ҳам шу кўйга тушди.

Заргарлик дўкони ўмарилди

Париждаги "De Beers" компаниясига қарашли заргарлик дўконларидан бири қуролланган жиноятчилар томонидан ўмарилди.



"Франс пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, босқинчилар икки киши бўлган. Улар дўконга тўппонча билан кириб, таҳдид солишган ва иккита витринадаги қимматбаҳо маҳсулотларни қўлга киритишган. Воқеа жойини тезда

тарк этиш мақсадида жиноятчилар яшириб қилинган фойдаланишган. Ўғирлик жараёнида ҳеч қимга жабр етказилмаган. Ўмарилган заргарлик буюмларининг умумий нархи уч миллион еврога тенг, дея баҳоланди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, "De Beers" бугунги кунда олмос ва бриллиантлар ишлаб чиқариш ҳамда сотиш бўйича жаҳондаги етакчи компаниялардан бири саналади.

Бахтсиз ҳодиса

АҚШнинг Канзас-сити шаҳридаги (Миссури штати) газ қувурида портлаш рўй берди. Бу ҳақда "Ассошиэтед пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Бахтсиз ҳодиса оқибатида 14 киши турли даражада тан жароҳати олган. Улардан беш нафарининг аҳоли оғир. Уч киши бедарак йўқолган. Қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Бошқа чора йўқ

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур "Danone" концерни молиявий-иқтисодий инқироздан сезиларли даражада зарар кўрмоқда.



Шу боис концерн Европадаги бўлимларидан 900 нафар ходимини бўшатишга аҳд қилди. Маъмурият ушбу қарорини қитъада маҳсулотларига талаб пасайгани билан изоҳламоқда. Бундан ташқари, Европада ҳам ашё нархининг кўтарилиши туфайли "Danone" 2013 йил учун даромадлар прогнозини ҳам қайта кўриштирди.

«КОСНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

Хоразм вилояти филиали

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади.

Аукцион савдосига Қўшқўпир тумани СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2010 йил 24 декабрдаги 12235-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Гозовот консерва» ишлаб чиқариш ва

Фойдали алоқаларингизни кенгайтиринг!

UzBuild 26 Февраль 1 Март

14-Ўзбекистон халқаро ҚУРИЛИШ КЎРГАЗМАСИ

«Ўзэкспомарказ», Тошкент, Ўзбекистон

4 КУН 150 КОМПАНИЯ 600 қурилиш ва таъмирлашга доир тақлиф

ITE Uzbekistan 100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Муस्ताқиллик шоҳқўчаси, 59-«А». Тел.: (+998 71) 113-01-80. Факс: (+998 71) 237-22-72. E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, Web: www.ite-uzbekistan.uz

www.uzbuild.uz facebook.com/ITEUzbekistan.uz

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимлари учун сервер ва компьютер қурилмалари харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.

Тендер тақлифлари 2013 йил 22 февралдан 2013 йил 25 март соат 18.00 гача қабул қилинади.

Тендер ҳужжатларининг умумий баҳоси хорижий корхоналар учун 300 АҚШ доллари миқдорига ва республикада жойлашган корхоналар учун ҳисоб-фактура ёзилиш кунлидаги Марказий банк томонидан ўрнатилган қиймати бўйича миллий валютада (сўмда) белгиланган.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8 10 998) 252-30-36, 255-78-24. Факс: (8 10 998) 281-43-73 (74) E-mail: umts@mvd.uz

Фойдали алоқаларингизни кенгайтиринг!

mebel 26 Февраль-1 Март, 2013

10-Ўзбекистон халқаро юбилей кўргазмаси

МЕБЕЛЬ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ITE Uzbekistan 100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Муस्ताқиллик шоҳқўчаси, 59-«А». Тел.: (+998 71) 113 01 80, Факс: (+998 71) 237 22 72. E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, Web: www.ite-uzbekistan.uz

www.mebeluzexpo.uz

«КОСНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

Қашқадарё вилояти филиали

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади.

I. Аукцион савдосига Суд департаментининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан куйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:

1. ЖИБ Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 17 февралдаги 2-2-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, Шибобаев кўчасида жойлашган, «Maxtel Construction» корхонасига тегишли, умумий майдони 931,76 кв.м., қурилиш майдони 522,83 кв.м., фойдаланиш майдони 425,95 кв.м. бўлган «Геолог» ҳаммом биноси.

Бошланғич баҳоси — 37 091 900 сўм.

2. ЖИБ Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 17 февралдаги 2-2-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, Жайхун кўчасида жойлашган, «Maxtel Construction» корхонасига тегишли, умумий ер майдони 14426,67 кв.м., қурилиш майдони 2365,32 кв.м. бўлган ёрдамчи хўжалик бинолари.

Бошланғич баҳоси — 231 468 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Косон тумани СИБ томонидан куйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:

1. ЖИБ Косон тумани судининг 2012 йил 24 сентябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Косон тумани, «Арабхона» МФЙ, М. Бобожарипов кўчасида жойлашган, умумий майдони 1088 кв.м. бўлган яшаш уйи.

Бошланғич баҳоси — 116 053 000 сўм.

2. ЖИБ Косон тумани судининг 2012 йил 24 сентябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Косон тумани «Арабхона» МФЙ, Косон — Майманок йўлида жойлашган, умумий майдони 1267 кв.м. бўлган яшаш уйи.

Бошланғич баҳоси — 240 854 000 сўм.

III. Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 22 декабрдаги 10-1116/16793-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, Насаф кўчасида жойлашган, МЧЖ шаклидаги «Нефтогазиндустрия» кўшма корхонасига қарашли, умумий ер майдони 18000 кв.м., қурилиш майдони 2041,82 кв.м. бўлган савдо базаси.

Бошланғич баҳоси — 230 850 000 сўм.

IV. Аукцион савдосига Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 27 августдаги 18-1203/37000-сонли, 2012 йил 30 августдаги 18-1207/37881-сонли, 18-1207/37882-сонли ва 2012 йил 10 сентябрдаги 18-1206/39093-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Қашқадарё тумани, «Мирзо Улуғбек» МФЙ, Гулшаний кўчасида жойлашган, Қашқадарё тумани МТП ДАЖА Гулшаний, 1974 йилда қурилган, умумий майдони 5500,0 кв.м. бўлган омборхона, механик устахона, қоровулхона, дарвоза ва асфальт майдони (Б, 3, Л-литерлар).

Бошланғич баҳоси — 426 785 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 27 март кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 25 март кун соат 18.00.

V. Аукцион савдосига Ғузор тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 10 майдаги 2-32-09/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғузор тумани, С. Раҳимов маҳалласи, Охунбобоев кўчасида жойлашган, умумий майдони 20200,0 кв.м., қурилиш майдони 6480,36 кв.м., қурилиш тугалланмаган «Ғузор ипак йўли» савдо мажмуаси тақдоран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 340 043 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 13 март кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 11 март кун соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 9 ФЕВРАЛДАН 15 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказилаётган товарларни ўтказишни ва декларациялашни ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида»ги буйруғига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 22 январдаги 01-02-20-6-сонли қарори.

2013 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3-5 (2013 йил 18 февралдан кўчга кирди).

2. «Алоқа соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ундирувларни қўллаш тартиби тўғрисида йўриқнома»ни ўз қўлини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 29 январдаги 7-мх-сонли қарори.

2013 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 164-1 (2013 йил 18 февралдан кўчга кирди).

3. «Юридик шахслар томонидан технология хом ашёси, бутловчи узеллар ва буюмлар сифатида импорт қилинган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини олиб қилинганлиги ҳақида сертификат бериш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз қўлини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 12 февралдаги 01-02/20-1, 13, 3, 17, 2013-4-сонли қарори.

2013 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1176-1 (2013 йил 18 февралдан кўчга кирди).

4. «Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва лойбардлар томонидан қасб операцияларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2013 йил 24 январдаги 2/8-сонли қарори.

2013 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1719-1 (2013 йил 18 февралдан кўчга кирди).

5. «Микрокредитбанк» орқали микромолиялаштириш учун жалб этилган грант ва кредитларни кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари ўртасида танлов асосида тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2013 йил 24 январдаги 2/7-сонли қарори.

2013 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2209-1 (2013 йил 18 февралдан кўчга кирди).

7. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз қўлини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2013 йил 24 январдаги 2/9-сонли қарори.

2013 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2426-1 (2013 йил 18 февралдан кўчга кирди).

8. «Қасб-хўжалик коллежларини ўқув-амалий машғулотларни ўтказиш учун сарфлар сифатида импорт қилинган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини олиб қилинганлиги ҳақида сертификат бериш тартиби тўғрисида низоми» (рўйхат рақами 1763-1 (2013 йил 18 февралдан кўчга кирди)).

6. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва лойбардлар фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2013 йил 24 январдаги 2/7-сонли қарори.

2013 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2427 (2013 йил 18 февралдан кўчга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Алоқа соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ундирувларни қўллаш тартиби тўғрисида йўриқнома» (рўйхат рақами 164, 1995 йил 28 август). Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлигининг 2013 йил 14 февралдаги 45-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

2. «Юридик шахслар томонидан технология хом ашёси, бутловчи узеллар ва буюмлар сифатида импорт қилинган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини олиб қилинганлиги ҳақида сертификат бериш тартиби тўғрисида низоми» (рўйхат рақами 1176, 2002 йил 25 сентябрь). Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макroiкти-содийёт ва статистика вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.

Адлия вазирлигининг 2013 йил 14 февралдаги 46-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

3. «Кредит уюшмалари томонидан молиявий операцияларни ўтказиш қоидалари» (рўйхат рақами 1179, 2002 йил 7 октябрь). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг қарори билан тасдиқланган.

Адлия вазирлигининг 2013 йил 14 февралдаги 50-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

4. «Кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» (рўйхат рақами 1944, 2009 йил 20 апрель). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг қарори билан тасдиқланган.

Адлия вазирлигининг 2013 йил 14 февралдаги 50-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

5. «Кредит уюшмаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низоми», 1-сон ўзгартириш (рўйхат рақами 2084, 2010 йил 1 март). (рўйхат рақами 2084-1, 2011 йил 25 май). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг қарори билан тасдиқланган.

Адлия вазирлигининг 2013 йил 14 февралдаги 50-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

6. «Кредит уюшмаларининг кредит сўбасига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низоми» (рўйхат рақами 2208, 2011 йил 14 март). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг қарори билан тасдиқланган.

Адлия вазирлигининг 2013 йил 14 февралдаги 50-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

7. «Кредит уюшмаларининг активларини таснифлаш, активлари бўйича акти-молий йўқотишларни қоплаш заҳираларини яратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми» (рўйхат рақами 2227, 2011 йил 10 май). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг қарори билан тасдиқланган.

Адлия вазирлигининг 2013 йил 14 февралдаги 50-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

8. «Кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқнома» (рўйхат рақами 2234, 2011 йил 9 июнь). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг қарори билан тасдиқланган.

Адлия вазирлигининг 2013 йил 14 февралдаги 50-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

Маъмур ҳужжатлар қончилиққа ўзгартириш киритилиши ва ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

«КОСНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

Хоразм вилояти филиали

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади.

Аукцион савдосига Қўшқўпир тумани СИБ томонидан тижорат фирмасига қарашли бўлган, Қўшқўпир тумани, Ғозовот қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 8026,8 кв.м., қурилиш ости ер майдони 1479,8 кв.м., фойдаланиш майдони 1412,52 кв.м.ни ташкил қилган цех биноси тақдоран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 264 687 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 11 март кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 7 март кун соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Урганч ш., Й. Бобожонов к., 23-уй. Телефон: (8-362) 226-43-64. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи кафедрасининг мудири, профессор Жума Холмўминовнинг падари бузруквори

Таштемир ХОЛМУМИНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этилади.

Японияда тақдимот

Ўзбекистоннинг Япониядаги дипломатия ваколатхонаси томонидан Токиода ташкил этилган тақдимот маросимида мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, ноёб тарихий ёдгорликлар, ўлкаимизнинг жуғрофий, табиий иқлим шароитлари, шунингдек, юртимизнинг замонавий тараққиётга оид атрафлича маълумотлар тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Биз ва жаҳон

Юртимизда жойлашган бетакорор маданий ва мейморий осорию атрафлари билан бирга, ўзбек заминининг ноёб ўсимлик ҳамда ҳайвонот олами билан танишишни ўз ичига олган ранг-баранг сайёҳлик дастурлари японияликларда катта қизиқиш уйғотди.

Мэгуро шаҳар Маданийт уюшмаси президенти Рейко Като "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан мулоқот

чоғида мазкур тадбир мамлакатимизнинг нафақат сайёҳлик имкониятлари, балки ўзбек халқ амалий санъати намуналари, миллий либослар ҳамда Ўзбекистоннинг тарихи ва замонавий тараққиёти хусусида ҳам муайян тасаввурга эга бўлиш учун қулай имконият яратганини қайд этди.

Унинг айтишича, ўзбек ва япон халқлари Буюк Ипак йўли даври-

га бориб тақаладиган қадимий ҳамкорлик алоқаларига эга. "Ўзбекистон мавзуга бағишланган тақдимот маросимининг ўтказилиши давлатларимиз ўртасидаги фаол маданий ва гуманитар ҳамкорлигининг мантикий давоми ҳисобланади", деди уюшма президенти.

Мэгуро шаҳар мэрининг ўринбосари Йошитеру Катонинг баёнот беришича, бўлиб



ўтган ушбу анжуман ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси нақадар бой эканлигини яна бир бор намоён этди.

Унинг сўзларига қараганда, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда кўлга киритилган муваффақиятлар республикада ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар нақадар юксак самара бераётганидан яққол далолатдир. "Япония билан ўзаро дўстона муносабатлар учун муштаҳам замин мавжудлиги эса тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган стратегик шерикликнинг хар томонлама чуқурлаштириш учун асос бўлади", деди И. Като.

Тадбир якунида мамлакатимизнинг улкан сайёҳлик имкониятлари ҳақида хикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилгани тақдимот мазмундорлигини янада оширди.

«Жаҳон» АА. Токио

Ҳамкорликнинг янги босқичи

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Мазкур шартномалар асосида институт етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан коллеж ва лицейларда иқтисодий, банк-молия тизимининг глобал масалаларига бағишланган махсус маърузалар қилиниши баробарида, кўплаб семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда.

Айни чоғда мазкур ўқув даргоҳи малакали педагогларни ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқув машғулотларини олиб бораётти. Бу, ўз навбатида, ўқув жараёни сифатини ошириш, машғулотларни замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил этишда кўл келмоқда.

Тадбирда Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими му-

ассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, мазкур олий таълим муассасасини ўтган ўқув йилида битирган 74 нафар ёш мутахассис республикамизнинг турли ҳудудларидаги касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда педагогик фаолиятини бошлади. Бу эса касб-хунар коллежлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаётти, албатта.

Давра суҳбатида институтда таълим-тарбия, маънавий-маърифий ва илмий тадқиқот соҳаларида амалга оширилаётган ишларга оид тақдимот ҳам ташкил этилди.

М. ҚОСИМОВ.

Тадбир

Пойтахтимизда коммунал хизматлар учун биллинг тизими ва мижозлар ягона маълумотлар базасини ташкил этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Интерфаол хизматлар

мижозлар учун кенг қулайликлар яратмоқда

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, БМТ Тараққиёт дастури ва ҳукуматимизнинг "Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва шериклик" қўшма лойиҳаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда уй-жой-коммунал соҳасидаги ишлар самарадорлигини ошириш, коммунал инфратузилма тизимини модернизация қилиш, шунингдек, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш-

га доир чора-тадбирлар ҳақида сўз борди.

Давра суҳбатида аҳолига интерфаол хизматлар кўрсатиш, бунинг учун мижозлар ягона базаси ва биллинг тизимини яратиш, мазкур йўналишдаги кийинчиликлар билан боғлиқ бошқа масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида ижобий натижаларга эришилганига қарамай, қатор муаммолар борлиги ҳам қайд этилди. Мисол учун, уй-жой-коммунал хизматлар кўрсатадиган ташкилот-

ларнинг мижозлар маълумотлар базаси, қўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш, ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш ва бошқа масалаларда тафсуллар мавжуд. Коммунал хизматлар биллинг ти-

зими ҳамда мижозлар ягона маълумотлар базаси эса ушбу муаммоларни тезкор ҳал этишга ёрдам беради.

Тадбирда Тошкентда "Иссиқлик, сув, газ, электр таъминоти ҳамда санитария-тозалаш коммунал хизматлари истеъмолчиларини ҳисобга олишнинг ягона автоматлаштирилган тизими" тажриба лойиҳасини яратиш ишларига жалб қилиш учун шериклар аниқланган, бу борда ҳар бир иштирокчининг вазифаси белгилаб олинди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Спорт • Sport • Спорт • Sport

Мавсум сарҳисоби

Ўтган йил ўзбек футболни учун анча сермахсул кечди. Жумладан, Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан 2012 йил якунлари бўйича турли номинациялар ғолибларини тақдирлашга бағишланган тақдирлаш маросимида Ўзбекистон футбол федерацияси "Fair Play" (ҳалол ўйин) сурони билан тақдирланди.

Футбол

Айни пайтда ФИФАга 209 та давлат кўзо эканлигини инобатга олсак, мамлакатимизнинг бундай нуфузли мукофотга муносиб, деб топилгани Президентимиз раҳнамолигида спорт, айниқса, футболни ривожлантиришга қаратилган юксак эътиборнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди. Эеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, энди халолликни бошқалар ўзбеклардан ўргансин.

Ислохотлар изчиллигини биргина ўтган йили футбол инфратузилмасини янада ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Чунки, Тошкент шаҳрида халқаро стандартларга жавоб берадиган "Бунёдкор" ва "Локомотив", Бекobod шаҳрида "Металлург" футбол стадионлари қад ростлади. Шунга мос равишда ўзбекистонлик чарм тўп усталари ҳам муҳлислар учун кўнчили ва ҳажжонли оналари туҳфа этишди. Хусусан, ўсимирлар ўртасида Эронда ўтказилган Осиме чемпионатида вакилларимиз ғолиб бўлиб, жорий йилги мундиаль йўлланмасига эга бўлишди. Худди шу каби, БАА мезбонлигидаги китва биринчилигида муваффақиятли катнашган ёшларимиз ҳам ана шундай имкониятни кўлга киритдилар. Ноги-



рон-ампутантлар ўртасида кенг жаҳон чемпионатида эса ҳамюртларимиз барча рақибларидан устун келиб, кетма-кет учинчи марта бош совринга эгалик қилдилар. 16 ёшгача бўлган қизларимиз эса илк бор Осиме биринчилигининг финал қисмига йўлланма олдиди.

Яна бир муҳим жиҳати, Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий футбол федерациясининг 2012 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган тақдирлаш маросимида ана шулар ҳақида яна бир бор сўз юритилди. Унда ЎФФ мутасад-

дилари, футбол жамоатчилиги ҳамда журналистлар иштирок этди. Тадбирда бир қатор номинациялар бўйича ғолиблар тақдирланди. Жумладан, "Fair Play" мукофотига Олмалиқнинг "Олмалик" футбол клуби сазовор бўлди. Фарғонанинг "Нефчи" жамоаси ҳужумчиси Анвар Бердиев "Чемпионат тўпураги", ФИФА рефериси Равшан Эрматов "Йилнинг энг яхши ҳаками", Ўзбекистон ўсимирлар терма жамоаси бош мураббийи Дилшод Нуралиев "Йилнинг энг яхши ёшлар мураббийси", Ўзбекистон ўсимирлар терма жамоаси аъзолари, "пахтакор"чи Жамшид Болтабоев ва "Машъал" вакили Отабек Шукурдов "Йилнинг энг яхши ёш футболчиси", Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва Тошкентнинг "Бунёдкор" клуби бош мураббийи Миржалол Қосимов "Йилнинг энг яхши мураббийи", Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва Россиянинг "Алания" клуби ярим ҳимоячиси Санжар Турсуров "Йилнинг энг яхши футболчиси" номинацияларига лойиқ, деб топилди. Уларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Билдирилган бундай катта ишонччи, албатта, яхши уйинларимиз билан оқлашми керак, — дейди ғолиблардан бири Санжар Турсуров. — Биласиз, терма жамоамиз учун бу йил нихоятда масъулятли. Олдинда мундиаль йўлланмасини хал қиладиган урчувлар турибди. Ана шу муҳим бахсларда ўзбек футболни иқтисомандларнинг ишонччини оқлашга ҳаракат қилмасиз.

Санъат усталари ижросидаги концерт дастури тадбирга янада фойз қилтирди.

С. МАХСУМОВ.

● Реклама ва эълонлар ●

DOOSAN КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TOU Co., LTD»
Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхонаси

Жанубий Кореянинг «Doosan Infracore., Co LTD» компаниясида ишлаб чиқарилган юқори сифатли, жаҳон андозаларига мос **Йўлсозлик ва қурилиш техникаларини** буюртма бўйича етказиб беради.

Манзил: 100020, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Лайлитўғон кўчаси, 97-«А» уй.
Тел.: (+99871) 242-00-27/28, (+99890) 325-15-52, (+99890) 919-15-52, факс: (+99871) 242-00-26.
E-mail: nl@uztow.com

«АСАКА»
ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
(ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ҲАМИЯТИ)

2013 йил республикамизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида

«ЁШ ТАДБИРКОР ЛОЙИҲАСИ»
танловини эълон қилади.

Танловнинг асосий шартлари ва талаблари

1. **Танлов иштирокчиси** — тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтган ҳамда таълим муассасасини битирганига 3 йилдан ошмаган таълим муассасалари битирувчилари ҳамда мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижасида камида коллеж битирувчиларидан 3 нафари учун янги иш ўрни ташкил этадиган тадбиркорлик субъектлари.
2. **Лойиҳани амалга ошириш муддати** — 3 йилгача.
3. **Лойиҳага қўйилган асосий шартлар:**
 - лойиҳа ташаббускорининг ўз маблағлари билан иштироки — лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда;
 - лойиҳа ташаббускорига ажратиладиган кредит миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 1 000 бараваригача;
 - банк талабларига жавоб берадиган ҳар қандай ликвид таъминот турлари, жумладан, кредит ҳисобига сотиб олинандиган асбоб-уқуналар — кредит суммасининг 125 фоизидан кам бўлмаган миқдорда.
4. **Амалга ошириладиган соҳа:**
 - ишлаб чиқариш соҳасидаги лойиҳа бўйича — камида 3 та янги иш ўрни яратилиши ва бир йиллик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 50 млн. сўмдан кам бўлмаслиги;
 - хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳа бўйича — камида 2 та янги иш ўрни яратилиши ва бир йиллик хизмат кўрсатиш ҳажми 30 млн. сўмдан кам бўлмаслиги;
 - лойиҳалар, асосан, чакана савдо, ҳунармандчилик фаолияти, касаначилик, маиший хизмат (сартарошлик, мебелни йиғиш, таъмирлаш ва бошқа), санитария-техника хизмати, металл ва пластмассадан ясалган буюмлар тайёрлашга, миллий матоларни қўлда тўқишга, яқка тартибда кийим-поябзал тикиш ҳамда таъмирлашга, тиббий хизматлар кўрсатишга, ветеринария хизмати, автомобиллар ва маиший техникаларни таъмирлаш устaxonалари, стоматология хоналари ташкил этиш ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда янги хизмат турларини жорий этишга йўналтирилган бўлиши керак.
5. **Лойиҳани баҳолаш мезонлари** — янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва янги хизмат турларини жорий этиш, шунингдек, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳалар устувор имкониятга эга бўлади.
6. **Танлов ғолибларига имтиёзлар** — лойиҳани молилаштириш учун имтиёзли кредит ва қимматбаҳо совғалар.
7. **Лойиҳани тақдим этиш** — «Асака» банкининг жойлардаги барча филиалларига.
8. **Ҳужжатларни тақдим этиш муддати** — 2013 йил 20 мартга қадар.
9. **Танлов ғолибларини эълон қилиш муддати** — 2013 йил 1 апрелгача.

«Асака» банки — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

«Асака» банки (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари

Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон филиали	(8-361) 223-72-59	Сирдарё вилояти филиали	(8-367) 225-28-61
Андижон вилояти филиали	(8-374) 224-56-98	Тошкент вилояти филиали	(8-371) 120-84-04
Асака филиали	(8-374) 233-15-32	Фарғона вилояти филиали	(8-373) 224-72-14
«Фарход» филиали	(8-374) 226-96-93	Марғилон филиали	(8-373) 237-60-71
Бухоро вилояти филиали	(8-365) 223-11-15	Олтиариқ филиали	(8-373) 432-19-80
Бухоро шаҳар филиали	(8-365) 770-10-30	Кўкон филиали	(8-373) 552-61-01
Қашқадарё вилояти филиали	(8-375) 221-15-38	Хоразм вилояти филиали	(8-362) 226-96-03
Навоий вилояти филиали	(8-436) 770-21-28	Тошкент шаҳар филиали	(8-371) 120-83-00
Зарафшон филиали	(8-436) 573-18-80	«Авотранспорт» филиали	(8-371) 120-39-01
Наманган вилояти филиали	(8-369) 226-91-45	Шайхонтоҳур филиали	(8-371) 140-39-04
Самарқанд вилояти филиали	(8-366) 233-63-82	Ўнубод филиали	(8-371) 221-80-67
«Афросиёб» филиали	(8-366) 221-72-68	Сергели филиали	(8-371) 257-44-10
Сурхондарё вилояти филиали	(8-376) 770-82-20	Жиззах вилояти филиали	(8-372) 226-34-90

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 131 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Тахриратта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.
Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бутаяв.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.55 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5

Жиззах шаҳридаги Наврўзбулак трассасида автотойга бўйича республика кубоги бахслари бўлиб ўтди.
Обод турмуш йилига бағишланган мазкур мусобақада Жиззах техник ва амалий спорт турлари маркази спортчилари энг кўп очко жамғариб, умумжамоа ҳисобида ғолибликка эришдилар.
Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.